

## ҚАДИМГИ ФАРГОНАНИНГ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

**Ўрмонов Улугбек**

Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

### ARTICLE INFO.

#### Калит сўзлар:

Фарғон, Дайюан, Хитой манбалар, Буюк ипак йўли, “Ханъшу”, Чжан Цян, “Ханнома”.

### Аннотация

Қадимги Фарғонанинг бу давр тарихи ҳақида хитой манбалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Қадимги Фарғонанинг ана шу давр тарихида, Хитой манбаларига кўра, Давон давлати бўлган.

Қадимги тарихни ўрганишда юонон, форсий, туркий ёзма манбалар билан бир қаторда Хитой манбаларининг туттган ўрни ҳам алоҳида диккатта сазовордир. Гарчанд, Хитой манбалари милоддан илгари ёзила бошлаган бўлсада, 5000 йиллик тарихни ўзида мужассамлаштирган. Бу манбалар йилларнинг аниқ кўрсатилиши, воқеаларнинг тадрижий ҳолда ёзилиши билан бошқа манбалардан устунликка эга. Шунингдек, мазкур манбаларда Хитой билан кўшни мамлакатимиз ва халқлар билан бўлган алоқалар натижасида Туркистон ва унинг халқлари тарихига оид бой маълумотлар ёзилган. Фарғона–Хитой муносабатларига доир маълумотлар ана шулар жумласидандир.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсининг қадимги тарихи ҳақида гап кетганда, одатда, унинг милоддан аввалги VII-VI асрлардан то милодий эранинг V асригача қадар бўлган давр тарихини кўз ўнгимизга келтирамиз. Чунки ундан аввалги давр қадимги Фарғона тарихида феодал давр тарихи бошланади. Фарғонанинг қадимги давр тарихи қулдорлик даврига тўғри келади. Аммо бугунги кунда қадимги Фарғона ҳақидаги археологик ва тарихий манбалар бу заминда қулдорлик тузуми қандай даражада бўлганлиги ҳақида фикр юритишга етарли маълумот бермайди. Бу давр тарихида ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин жамоа хўжалиги жамият ривожида асосий қатламни ташкил этарди.

Хитой манбаларида милоддан аввалги II асрда Фарғона, Дайюан (Давон) деб номланиб, Даюан давлати (Фарғона мамлакати), яъни Фарғона давлати деб тилга олинади. Хитой манбаларидаги “Давон” атамаси рус ва ўзбек адабиётида “Фарғона” деб берилган. Давон қадимда “Дайюан” деб талаффуз этилган. “Дайюан” атамаси “Катта бўстонлик” деган маънода бўлиб, Фарғона водийсига нисбатан ишлатилган. Илгари Фарғона суғд ёзувларида “Парғона” шаклида ёзилган бўлиб, форс тилида тоғ оралиғидаги водий, атрофи берк сойлик деган маънони англатган. Бу Хитой манбаларида Фарғонанинг “Дайюан” деб номланишига мос келади.

Хитой манбаларида милоддан аввалги II асрда Фарғона водийсида хонлик бўлганлиги тилга

олинади. У “Дайюан гую” деб ёзилган.

Қадимги Фарғона давлатига оид маълумотлар асосан машҳур “24 тарих”нинг (24 тарих – милоддан аввалги II асрдан бошлаб ёзилиб келинган Хитой сулоларининг тарихи. Унда милоддан аввалги 3000 йилликдан то милодий 1644 йилгача бўлган воқеалар баён этилган.), 1-2 жилди “Шижи” (“тарихий хотиралар”) ва “Хам шу” (“Хон сулоласининг тарихи” ёки “Ханнома”) да берилади. Бу икки асарнинг Хитой тилидан бошқа тилларга тўла таржимаси мавжуд эмас.

“Тархий хотиралар” 130 бобдан иборат бўлиб, унинг “асосий қисми”, яъни 12 боби дастлаб Эдуард Шаван (1865-1919) томонидан тўла таржима қилинган. Р.В.Вяткан “Тархий хотиралар” нинг рус тилида 8 жилдли изоҳли таржимасини тайёрлашни режалаган бўлса-да, 5-6 жилдини нашр эттириб, оламдан ўтади. Натижада асарнинг Марказий Осиёга тегишли қисми таржима қилинмай қолди.

Таъкидлаш жоизки, қадимда Фарғона ўзининг узумчилиги ҳамда учкур-самовий тулпор отлари билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Хитой манбаларнинг хабар қилишича, Хитой императори бир жуфт Фарғона тулпори учун бутун Синцзян вилоятини беришга рози бўлган экан.

Милодий эрадан аввалги II асрдан бошлаб, яъни, Чжан Цян саёҳатидан кейин Хитой манбаларида Фарғона ҳақида қизиқарли хабарлар учрай бошлади. Масалан, тархий йилнома ҳисобланган “Шицзи” милодий эрадан аввалги 138 йилдан 90 йилгача бўлган воқеиликларни ўз ичига олади. “Шицзи” нинг муаллифи Сима Цяннинг ёзишича Фарғонада 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар бўлган. Лекин, у фақат иккита пойтахт шаҳарларнинг номини тилга олади холос. Шу билан бирга “Шицзи”да Фарғона давлати ҳамда унинг подшоси Мугуа ҳақида ҳам маълумотлар бор. Чжан Цяннинг маслаҳатига суюниб Хитой императори дипломатик йўл билан Фарғонанинг самовий тулпорларини қўлга киритмоқ ниятида, қимматбаҳо совғалар билан Фарғонага элчи юборади. Хитой элчиси Фарғона подшоси Мугуани буйруғи билан қўлга олиниб, ўлдирилади. Шундан сўнг, Хитой императори куч ишлатиб ўз мақсадига эришиши учун саркарда ЛИ Гуан-ли бошчилигига икки марта Фарғонага қўшин юборади.

Биринчи юриш мағлубиятга учрагач, иккинчи маротаба махсус тайёргарликдан сўнг, Ли Гуан-ли катта қўшин билан Фарғонага бориб, пойтахт шаҳар Эршини қамал қиласди. Қирқ кунлик қамалдан сўнг, ички шағарда бекиниб ётган Оқсоқоллар Кенгаши ўзаро келишиб, ўз хукумдори Мугуани Хитой элчисининг ўлимида айблаб, уни таҳтдан четлаб, ўлимга маҳкум этади. Бу билан улар ҳамма айни Мугуага юклаб, Хитойликларга тинчлик сулхини таклиф этади. Бу таклиф Ли Гуанли томонидан қабул қилинди. Сулҳга биноан хитойликлар Фарғонанинг самовий отларидан олиб, ўз юртларига қайтадилар. Юқорида келтирилган “Шицзи”нинг Кабарлари милодий эрадан аввалги II-I асрни бошларида Фарғонада подшо яккаю-ягона хукумдор бўлмаганлиги ва унинг харакатлари Оқсоқоллар кенгаши томонидан назорат қилиниб туриши ҳақида гувоҳлик беради. Бундай сиёсий ҳаёт баъзи-бир ўзгаришлар билан араблар истилосигача давом этади.

Иккинчи тархий манба “Ханьшу” ҳисобланиб, у милодий эрадан аввалги 138 йилдан то милодий эранинг 23 йилигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Унинг муаллифи Бан Гу “Шицзи”даги маълумотлардан тўлиқ фойдаланиб, янги воқейликлар билан бойитади. Жумладан, Бан Гу қўйидагича ёзади: бу даврда Давон (Фарғона) давлатининг подшоси Гуйшань (Гуйшуань) шаҳрида ўтирган; аҳолиси 300000 кишидан иборат бўлиб, 60000 оилани ташкил қилган, армияси эса 60000 аскардан ташкил топган.

“Шицзи”дан фарқли ўлароқ Фарғонанинг пойтахти Эрши эмас, балки Гуйшуань шахри деб, армия сони эса кўчманчи давлатларга ўхшаб оила сонига teng қилиб кўрсатилган.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, айрим мутахасислар Фарғона (Давон) давлатининг соҳиблари кўчманчи қабилалардан бўлган, -деган фикри олға сурган эдилар.

Фарғонанинг сиёсий ҳаётидаги бу ўзгариш, милодий эрадан аввалги I асрни 90 йилидан милодий эранинг биринчи асрини 23 йилигача бўлган давр ичида юз берган бўлса керак. Шу даврда Фарғонанинг бош пойтахти Эрши Гуйшуань деб номланган бўлиши мумкин. Демак, айтиш мумкинки, маълум бир вақтда Юечжи (Гуйшуань-Кушан) қабилаларига оид гурух Фарғона давлати тепасига келган. Бунга жавобан бош пойтахт шаҳар (Эрши) Гуйшуань деб номланган.

Милоднинг I асрларида келиб Фарғона водийсининг дарё ва сой хавзаларидан энг унумдор ерлар тўлиқ ўзлаштирилади, яъни, дехқончилик кенг ривожланади. Шу билан бирга халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши кўп тармоқли хунармандчиликнинг жадал ривожланиши, кончиликнинг тезкорлик билан ўсиши шаҳар маданиятини ҳар томонлама барқ уриб, гуллабяшнашига олиб келди. Натижада, шаҳар маданияти ва турмуш тарзи жамиятнинг асосий мезонига айланади. Бу даврда шаҳар атрофигина эмас, балки узоқ қишлоқлар ҳам шаҳарга тақлид қилиб яшай бошлайди.

Шунинг учун ҳам Ҳитой манбаларида катта қишлоқлар ҳам шаҳар деб тилга олинади. Ахсикент каби пойтахт шаҳарлар эса ҳар томонлама ривожланади. Айниқса милоднинг V-VII асрларида шаҳарда уй-жой қурилишига катта аҳамият берилади. Уйлар беш-олти хонали қилиб қурилган. Хона деворлари жуда силлиқ қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устидан рангли бўёқлар берилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, бир хилларида тоза сув қудуғи ҳам бор. Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг суфа, ерда эса сандалга ўхаш иситгич ўчоқлар мавжуд. Бу даврга келиб қитъалараро йўл Ўзбекистон, жумладан Фарғона халқлари ҳаётида жуда муҳим роль ўйнай бошлайди. Айниқса, VI-VII асрларга келиб сұғд-турк савдогарлари Шарқда Ҳитой орқали Корея ва Япониягача, арбда Ўрта ер денгизи бўйи давлатларигача, Жанубда Ҳиндистон ва Цейлонгача бориб, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлар. Бу эса Ўзбекистоннинг қадимги вилоятлари ҳисобланган Шош-Илоқ (Тошкент), Фарғона (Фарғона водийси), Уструшона (Сирдарё-Жиззах) ва Суғдни (Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро) иқтисодий баркамолликка, уларда яшаган халқлар турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади. Бу борада Ахсикент ва Самарқанд сингари йирик шаҳарлар катта роль ўйнаган.

Буюк ипак йўли орқали хилма-хил товарлар, жумладан ипак матолар, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш буюмлар, дори-дармонлар ва ранг-баранг бўёқлар, самовий тулпорлар, ажойиб қушлар, жаннатий мевалар ва ҳар-хил ичимликлар ташилган. Афсоналарга бой бу йўл бўйлаб талантли мусиқачилар, актёрлар, рассомлар, қўли гул усталар ва дин тарғиботчилари саёҳат қилганлар.

Ёзма манбаларнинг берган хабарларга қараганда, Ҳитой императори саройида Тошкент ва Самарқанддан борган санъат усталари доимий чиқишлар қилиб турган. Ҳитой императорлари Фарғонанинг самовий тулпорларида сайр қилишни ҳамда саф тортиб турган ҳарбий қўшинлари олдида пайдо бўлишни яхши курган. Ўрта Осиё подшолари эса Ҳитой ипак матоларидан тикилган либосларни яхши кўриб кийишган. Тили ва диний эътиқодлари ҳар хил бўлишига қарамай, Ўрта Осиё жумладан Фарғона халқлари ёнма-ён, тенг-тотув ҳаёт кечирганлар. Бу албаттат ўз навбатида иқтисодий юксалишига олиб келган. Муғ тоғидан топилаган молиявий ва хўжалик хужжатлари яққол мисол бўла олади. Бу борада сұғд тилида ёзилган хужжатлар дикқатга сазовордир. Бу хужжатларда сұғд кизи Дугдонача турк йигити Уттегинга турмушга чиқиши акс эттирилган. Бу келишув қофози тинчлик ва иттифоқ асосида ёзилган бўлиб, агарда уларнинг турмуши келажакда бузулса, йигит қизни хеч қандай камситмаган ҳолда ўз ота-онасига қайтариб бериши шарт бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ҳитой манбаларидаги маълумотлар ўзбек адабиётида асосан рус тилидаги таржималаридан олинган. Айтиш мумкинки, қадимги Фарғона ҳақида Ҳитой манбаларида маълумотлар кўп ва улар жуда ҳам қимматлиdir.

Қадимги Фарғона-Хитой муносабатларига келсак, бу муносабатлар қачондан буён бошланганлиги ҳақида маълумотлар хозиргача маълум эмас. Лекин, бу муносабатлар жуда қадимдан бошланган бўлиши керак. Сабаби, тадқиқотчилар милоддан аввалги IV-III минг йилликларда чўл ва дашт атрофида вужудга келган маданият Ўрта Осиё, Қозогистон ва Шимолий Хитойда умумий бирликка эга эканлиги айтилади. Демак, 5-6 минг йиллар илгари умумий маданиятга эга бўлган халқларнинг ўзаро муносабатларида Фарғоналикларнинг иштирок этиши муқаррардир. Чунки, Хитой манбалирда Ўрта Осиёликлар, жумладан, Фарғоналикларнинг милоддан аввалги II асрда жуда моҳир савдогар, молнинг нархи устида бирбирига гап бермасдан тортишадиганлиги айтилган. Шунинг учун фарғоналиклар қадимги савдогарлик билан шуғулланганлиги сабабли Хитойга бориб савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар деб айтса бўлади. Яъни, бу Фарғона-Хитой муносабатларининг қадимдан бошланганлигига асосдир. Фарғоналиклар Хитойга, хусусан, Хитойнинг шимолий ўлкаларига бориб келганликлари учун милоддан аввалги II асрда мазкур жойга оид маълумотга эга бўлғанлар. Лекин, бу маълумотлар биззагча етиб келмагани сабабли биз фақат хитойликларнинг берган маълумотлари асосида ўша даврни тасаввур эта оламиз.

Хитойликлар эса Фарғона ҳақида милоддан аввалги II асрда Хитой элчиси Жанг Чян (милоддан аввалги 114 й.) сайёҳатидан сўнг тўла маълумотга эга бўлади. Хитой манбаларида Фарғона давлати ҳақида дастлабки маълумот “24 тарих” асарининг биринчи жилди Си Мачяннинг “Тарихий хотиралар (“Шилжи”) идан Жанг Чяннинг Хитой хоқонига берган ахборотидан олинган. Жанг Чян, “фарғона Хан (сулоласи)дан ўн минг ли” олисда бўлиб, хунларнинг ғарбига тўғри келади.

Хитой манбалардан “Ханнома” да: “Фарғона давлати маркази Гуйшан, бу жойдан Чан анга 12550 ли, аҳолисининг 60 минг оила, 300 минг киши, лашкарликка ярайди 60 минг нафар... Фарғона давлатининг ери, иқлими, бойлиги, урф-одатлари Улуғ юэжилар билан ўхшаш. Фарғонадан узум шароби чиқади. Бойлари 10 минг кубдан кўп миқдорда шароб сақлайди. Бу шароблар бир неча ўн йил турса-да бузулмайди. Фарғоналиклар шароб-хумор бўлади. Отлари беда ейди”, деб ёзилган.

Қадимги Фарғонада асл зотли отларнинг бўлганлиги ҳақидаги маълумот хитой манбаларини ўрганувчиларини кўпдан бери қизиқтириб келган масалаларидан биридир. Хитой манбаларида Фарғона отлари қадди-қомати келишган, чиройли ва чақир бўлганлигидан “Тулпор от” деб улуғланади.

Афсонавий маълумотларга кўра, орзуга етиш иштиёқида Хитой хоқони Уди фол ҳам очирганмиш. Фолчи “Хосиятли отлар қуёш ботиш томонидан чиқади” деб кўрсатилганмиш.

Уди машҳур Фарғона отларини қўлга киритиши, хоқоннинг шухратини ошириб, “Дунё ҳукумдори”, “Тангрининг ўғли” деб тан олинишига ёрдамлашди деган орзу-хавасга берилади. Уди армонига етиш ниятида кўп харакат қиласи ва охирида Фарғонанинг зодли отларига эга ҳам бўлади. Аммо, у ўйлагандай Farb мамлакатларини бўйсундириб, уларнинг ёрдамида асосий ғаними Хун хоқонлигини йўқ қилиш нияти амалга ошмай қолади. Натижада у кўзлаган “Дунё ҳукумдори” бўлиш мақсадида самовий оламдан ўтади. Хунлар эса яна хитойликларнинг ашаддий душмани бўлиб сақланиб қолади. Мазкур масала Фарғона-Хитой муносабатларини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади.

Сабаби Ҳун хоқонлиги Хитойда Марказлашган кучли бир давлат вужудга келишига қарши турадиган Осиёдаги бирдан бир қудратли мамлакат эди. Улар милоддан аввалги III асрда ташки ва ички шароитларнинг пишиб етилиши билан ботир тангри-кутнинг (милоддан аввалги 209-174 йил) раҳбарлигига кучли бир давлат бўлиб бирлашган. Айнан ўша пайтда Хитойда теппасига чиқкан Хан сулоласи ҳукумдори Гавдининг (эр. Авв. 206-195 й.) хунлар тазиيқига тушиб қолиши хафи туғилади. Хан сулоласининг хоқони ўз мустақиллигини сақлаб қолиши мақсадида

хунларга қарши катта қўшин билан хунларнинг сараланган 400 минг кишилик қўшининг қуршовига тушиб қолади. 7 кундан сўнг озиқ-овқатдан қийналиб, тор-мор бўлиш арафасида турган бир пайтда ҳарбий қўмондоннинг ишлатган ҳарбий хийласи оқибатида қуршовдан қутилиб чиқиб кетади. Лекин, хунлардан мағлуб бўлганлигини тан олишга мажбур бўлади.

Хунлар мазкур ғалабадан кейин ўзларининг асл маконлари бўлган Ўрдус яйловини қайтариб олиб, Хитойга нисбатан яна ҳам кучли хавф сола бошлпиди. Хитойликлар бўлса иложсизликдан Хун-Хитой муносабатида анъянага айланган эски ўзларининг асл маконлари бўлган Ўрдус яйловини қайтариб олиб Хитойликлар бўса иложсизликдан Хун-Хитой муносабатида анъянага айланган эски удум бўйича хунларга хирож тўлаб қиз бериб қудалашади. Хунлар эса Хитойнинг ички ишларига аралашмасдан ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириб уларнинг хотиржам хаёт кечиришларига имкон яратиб беради.

Хитой хоқони эрадан аввалги 133 йил хунларга қарши катта қўшин бошлаб жанг қилишдан аввал уларни алдаб, асосий бир бўлагини Хитойни ичкари қисмига киритиб олиб, қуршаб йўқ қилишни режалаштиради. Аммо хунларнинг сезигрлиги туфайли мазкур режа фош бўлади. Хунлар тезлик билан чекиниб чиқиб кетиб, қуршовда қолиш хафидан қутилиб қолади. Лекин Хун-Хитой тинчлик аҳдномаси бузулади. Натижада кўпга чўзилган икки мамлакат ўртасидаги жангу-жадаллар бошланиб кетади.

Хан сулоласининг хуқумдори Уди милоддан аввалги 127-119 йиллари хунларга қарши катта қўшин билан юриш қилиб, уларга оғир талофат етказади. Натижада хунлар қарамлигидан қутулиб, ҳужум қолиш мавқеини эгалайди. Ҳунларнинг енгилишига сабаб, табиий оғатлар оқибатида улар ичida иқтисодий қийинчиликлар юз берганлиги бўлди. Унинг устига Хун хонлари тез-тез қазо қилганлигидан хоқонлик тахтини талашиш холатлари ҳам вужудга келиб, бирлик иттифоқ йўқолган пайт эди. Зоро, хунларнинг кучли қўшин тўплаб, хитойларга қарши туриш имконияти бўлмаган. Улар уруш қолиш ўрнига мудофаа қилиб, ўз-кучларини сақлаб қолишга харакат қиласди. Ўзаро низоларнинг келиб чиқиши оқибатида тўда-тўда хун қўшинлари хитойликларга таслим бўлган.

Шуни айтиш керакки, хунлар аслида хитойликлар билан тинч-тотув яшаб, савдо-сотиқ қилишидан манфаатдор бўлганликларидан босқинчилик уруши тарафдори эмаслигини билиб олиш қийин эмас. Улар Хитойни маълум даражада хирож тўлаб туришга мажбур қилиб, қарам мамлакат сифатида муносабат қилган. Аммо, Хитой давлатининг ички ишларига аралашмаслик сиёсатида бўлган. Хитойнинг хунларга қарамлиги эса уларнинг ички томондан бирлашишига сабаб бўлганлигидан ўзаро уруш-жанжанлар камайган. Бу албатта, Хитой иқтисодиётининг ривожланишига имконият яратиб берган.

## Адабиётлар

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994, 171 бет.
2. Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан Тошкент, “Фан”, 2002, 4-бет.
3. Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан Тошкент, “Фан”, 2002, 4-бет.
4. Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсиқент. Самарқанд, 2001, 4-бет.
5. Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсиқент. Самарқанд, 2001, 7-бет
6. Анорбоев А. А. О раннем городе Ферганы. / Ош и Фергана в исторической перспективе. Вып. 3. Бишкек, 2000, стр. 71.
7. Анорбоев А. Фергана в Китайских источниках (некоторые критические заметки). Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. Фарғона, 2000, 1-жилд, 206-209 бетлар.

8. Абдухамид Абдурасул ўғли. Қадимги фарғона тарихидан. Тошкент, 2002, “Фан нашриёти, 7-8 бетлар.
9. Ли-қадимда тахминан 0,5 км. Бўлиб, ҳозир 576 метр деб қабул қилинган
10. Абдухолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. –Т. : 2002, -Б. 10-11.
11. Абдухолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. –Т. : 2002, -Б. 16.